

---

## **Хоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаоллари томонидан хотин-қизларнинг бандлиги таъминланмоқда**

Қува туманида “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг бандлигини таъминлаш борасида сектор раҳбарлари, худудлардаги ҳоким ёрдамчилари, хотин-қизлар фаоллари ҳамда ёшлар етакчилари томонидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан тумандаги Тожикқишлоқ маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси ҳамда хотин-қизлар фаоли томонидан “Аёллар дафтари”нинг учинчи босқичида рўйхатга олинган хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилиб уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида субсидия ҳамда тижорат банклари томонидан имтиёзли кредитлар ажратилишига кўмаклашилмоқда.

Шунингдек тикувчилик йўналишида касб-хунарга эга хотин-қизларга “Аёллар дафтари жамғармаси” ҳамда субсидия маблағлари ҳисобидан тикув машиналари олиб берилди.

Албатта ушбу йўналишда тумандаги ташаббускор ва тадбиркор аёлларимизни жалб этиб билим ва кўникмаларини худуддаги хотин-қизларга доимий амалиётда ўргатиб келмоқдалар.

Бундан ташқари давлат солиқ инспекцияси, тижорат банклари, савдо саноат палатаси, ҳунармандлар уюшмасининг малакали мутахассислари жалб этилиб тадбиркорлик сир асрорлари ўргатиб келинмоқда.

2022-10-11 11:54:46